



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Атаджанов Дилмурат Таджимуратович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

«Академия ноширлик маркази» ДУК бошлиғи, подполковник.

Илмий ихтисослик:

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.

Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10568243>

ARTICLE INFO

Received: 18th January 2024

Accepted: 24th January 2024

Online: 25th January 2024

KEY WORDS

Ички ишлар органлари фаолиятини молиявий таъминлаш, мулкӣ режим, тадбиркорлик фаолияти, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, пулли таълим хизматлари, даромад келтирадиган фаолият.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ички ишлар органларининг молия-хўжалик фаолиятининг хусусиятлари кўриб чиқилади: ички ишлар органларининг даромад келтирадиган фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларига, шунингдек, уларнинг мулкӣ муносабатларини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор берилади; ички ишлар органларини молиялаштириш тартибига қонунчилик ёндашувининг афзалликлари ва камчиликлари аниқланган, уларнинг хўжалик юритиш фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган муаммолар баён қилинган.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши барча соҳаларда бўлгани каби ички ишлар органлари фаолиятида ҳам ўзини ўзи моддий таъминлаш фаолиятини ривожлантириш заруратини вужудга келтирди. Бозор иқтисодиёти эркин товар-пул муносабатларига асосланиши ва унинг негизида хизмат кўрсатишнинг турли шакллардаги ҳаракати бу жараёнларни янада тезлаштирди. Натижада миллий қонунчилигимизга нотижорат ташкилотларнинг даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиши, хаттоки ўз уставларида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мумкинлигига оид нормалар ҳам киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан кейин – ФК) 40, 76, 180-моддаларида нотижорат ташкилотларининг алоҳида тури ҳисобланган “Муассасалар” даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиши ва уставида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши белгилаб қўйилди.

Ички ишлар органлари давлат органи бўлиши билан бир қаторда, фуқаролик ҳуқуқи наздида “юридик шахс” ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъекти ҳисобланади. Ички ишлар органлари ўзининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан



фуқаролик муомаласига киришади. Бу муносабатларда ички ишлар органлари ФКнинг 1-моддасида белгиланган умумий принциплар асосида иштирок этади. Ички ишлар органларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ФКнинг 76-моддасида белгиланганидек “муассаса” ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқида юридик шахслар уларнинг мулкӣ ҳуқуқи ва фаолиятининг хусусиятларига қараб тавсифланади. ФКнинг 40-моддасида, улар тижоратчи ташкилотлар ва тижоратчи бўлмаган ташкилотлар сифатида ажратилган. Академик Ҳ.Раҳманқулов таъкидлаганидек, “бундай таснифлашда мезон сифатида уларнинг асосий мақсадлари ва қўлга киритилган даромаддан фойдаланиш тартиби эътиборга олинади”¹. Яъни, тижоратчи ташкилотларнинг асосий мақсади фойда олиш ва уни муассислар (уни ташкил этганлар) ўртасида тақсимлаш бўлса, тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг мақсади умумий қоидага кўра, бошқарув ва ижтимоий маданий вазифаларни бажаришга қаратилган бўлади.

Албатта, ички ишлар органлари тижоратчи бўлмаган ташкилотлар сифатида қаралади ва уларнинг асосий мақсади даромад топиш ва фойда олиш эмас. Лекин, бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджет маблағларини етишмаслиги ёки етарли даражада ажратилмаслиги билан боғлиқ муаммоларни олдини олиш мақсадида миллий қонунчилигимиз ички ишлар органларига ҳам даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилади. Лекин, бундай фаолият натижасида олинган фойда унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланишига ва бу фаолият уларнинг асосий мақсадига айланиб қолишига рухсат этилмайди.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида ички ишлар органларининг ҳуқуқий мақоми масаласи, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти эканлиги баҳслидир. Хусусан, профессор М. Баратов “гарчи барча давлат органлари юридик шахс мақомига эга бўлса-да, уларни том маънодаги юридик шахс деб атаб бўлмайди”² деса, Т.Шиктибаев “фуқаролик қонунчилигида давлат органлари давлат юридик шахсларининг мустақил тури сифатида эътироф этилмаган”³ деган фикрларни билдирганлар.

Ҳақиқатан, ички ишлар органлари бир томондан, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга оид вазифаларини ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланса, иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва тегишли қонунларга асосан юридик шахс мақомига эга ва фуқаролик муомаласида қатнашиш ҳуқуқи берилган. Профессор Н.Кулдашев ички ишлар органларининг фуқаровий-ҳуқуқий мақоми ҳақида фикр билдириб, “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида ички ишлар органларини юридик шахс сифатида белгиловчи ёки фуқаролик муомаласида қатнашишини ифодаловчи ёхуд юридик шахсларнинг қайси турига мансублигини англатувчи бирон бир модда мавжуд эмас. Лекин, бу уни юридик шахс эмас деган

¹ Раҳмонқулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – Б.160.

² Баратов М. Х. Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг фуқаролик - ҳуқуқий мақоми / Масъул муҳаррир : И.Б.Зокиров. –Т.: ТДЮИ, 2005. – 38 бет.

³ Шиктибаев Т.Т. Деликтные обязательства по законодательству Республики Казахстан. Дис. ...док. юрид. наук. – Алматы: КГЮУ, 2007. – С. 167.



маънони англалмайди”⁴ деб таъкидлаган. Профессор И. Зокиров эса “юрлик шахс ҳисобланган давлат муассасалари ўз низомлари доирасида ўзлари юритаётган вазифаларни амалга ошириб, турли фуқаролик битимлари тузадилар, ўзларига бириктирилган мулкдан оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фойдаланадилар. Давлат органлари ўз қарзлари учун жавобгар бўлади. Бироқ маблағи етмаса, белгиланган тартибда давлат ҳам унинг учун жавобгар бўлиши мумкин”⁵ деб айтади.

Дарҳақиқат, Ички ишлар вазирлиги давлат бошқарув органи бўлиб, фуқаролик ҳуқуқий мақоми “муассаса” бўлган яхлит тизим ҳисобланди. Шу билан бирга вазирлик ўз таркибида юрлик шахс мақомидаги фуқаролик ҳуқуқининг мустақил субъектларини бирлаштиради.

Фуқаролик кодексининг 40-моддасида, “тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин”лиги назарда тутилган бўлса, кодекснинг 180-моддаси иккинчи қисмида эса, “Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансида ҳисобга олинади” деб мустаҳкамланган. Мазкур нормалар мазмунидан англаш мумкинки, қонун чиқарувчи муассасанинг “тадбиркорлик фаолияти” билан “даромад келтирадиган фаолияти”ни фарқламоқда. Аммо, баъзи цицивилистлар “Ички ишлар органларининг тадбиркорлик фаолияти ҳам, молиявий хўжалик фаолияти ҳам иқтисодий фаолият ҳисобланади”², деб айтса академик Ҳ.Раҳманқулов эса “тижоратчи бўлмаган ташкилот фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини шахсан ўзи ёки ушбу мақсадда унинг томонидан тузилган тижоратчи ташкилот амалга ошириши мумкин. Тижоратчи бўлмаган ташкилотнинг тадбиркорлик фаолияти давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак”⁶, деб таъкидлайди. Профессор Н.Кулдашев, “ички ишлар органларининг хўжалик фаолиятига доир муносабатлар ҳар доим ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бўлмай, баъзида улар маъмурий ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинади” деб айтади.

Юқоридаги олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ички ишлар органларининг даромад келтирадиган фаолияти иқтисодий фаолият ҳисобланса-да, ҳар доим ҳам тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди ва бу фаолият молия-хўжалик фаолияти бўлиб, бундай фаолият билан юрлик шахс мақомига эга бўлмаган ички ишлар органлари ҳам шуғулланишлари мумкин. Бироқ, ички ишлар органларининг тадбиркорлик фаолияти ҳақида гапирганда, бундай фаолият билан фақатгина уларнинг юрлик шахс мақомига эга бўлган тизимлари ёки улар томонидан тузилган тижорат ташкилотлари ўзининг устаида белгиланган мақсадларига мос келадиган доирада шуғулланишлари мумкин. Масалан, ИИБ Академияси Ички ишлар вазирлиги тизимида

⁴ Кулдашев, Н. "Органы внутренних дел как субъекты гражданско-правовых отношений." Обзор законодательства Узбекистана 3-4 (2008): 10-11.

⁵ Зокиров И. Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. I қисм. – Т.: ТДЮИ. 2009. – Б. 225.

² Коммерческое право: Учебник / Под ред. В. Ф. Попондопуло, В. Ф. Яковлевой. СПб. 1997. – С. 9;

⁶ Раҳмонқулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – Б.160.



кирувчи давлат муассасаси сифатида ўз таркибида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси бошлиғининг 2015 йил 14 сентябрдаги 188-сонли буйруғи билан “Академия ноширлик маркази” давлат унитар корхонасини ташкил қилган ва низомини тасдиқлаган. Низимнинг 4-банлдида “Ноширлик маркази Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг хўжалик ҳисобидаги таркибий қисми бўлиб, мустақил баланс, банк ҳисоб-китоб варақлари, ўз рамзи ва логотиплари, штамплари ва бланкалари, товар (хизмат) белгилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг тўлиқ расмий номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади”, деган қоидалар белгиланган.

Таъкидлаш керакки, ички ишлар органларининг фуқаролик муомаласидаги иштирокининг асосий шакли улар билан фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари ўртасида тузилаётган шартномаларда номоён бўлмоқда. Мазкур шартномаларнинг фаол контрагенти сифатида бир томондан ички ишлар органлари қатнашса, иккинчи томондан жисмоний ва юридик шахслар иштирок этадилар. Маълумки, шартномалар бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий муносабатларнинг муҳим асоси ҳисобланади. Шартнома контрагентларининг ҳуқуқий мақоми масаласи (ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эгаллиги) эса шартномаларнинг ҳақиқий ҳисобланишида муҳим аҳамият қаб этади. Шу боис, уларнинг фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларга киришишлари учун фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлишлари талаб этилади. Фуқаролик қонунчилиги ҳар қандай ташкилотни эмас, айнан ФКнинг 39-моддасида назарда тутилган белгиларга эга бўлган ташкилотни юридик шахс сифатида тан олади. Унга кўра: “Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади”⁷.

Юридик шахс сифатида ички ишлар органларининг молия-хўжалик фаолиятини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш мақсадида асосий фаолиятига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имкониятларини яратиш, уларга қўшимча даромад келтирадиган фаолият турларини ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш фуқаролик ҳуқуқи фани ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун долзарб масала ҳисобланади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти тобора ривожланиб бораётган жараёнларда давлат, муассасаларни кўп каналли молиялаштиришни яратишга босқичма-босқич ўтмоқда ва бунинг доирасида қўшимча молиявий манбалар изланмоқда. Хусусан, мақсадли молиялаштириш воситалари, жумладан субсидиялар, грантлар, инвестициялар, илмий ва илмий-техникавий фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун турли фондлардан олинган маблағлардан фойдаланилмоқда. Хусусан, бу жараёнлар Ички ишлар органлари тизимида ҳам амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ички ишлар органларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати юзага келмоқда. Илмий изланишлар натижасида ички ишлар

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // URL: <https://lex.uz/acts/111189>



органларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар сифатида қуйидагиларни белгилаш аниқлаштирилди:

биринчидан, қўшимча даромад олиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида инвестор ва тадбиркорлик субъектларини тизимнинг тегишли соҳаларига кенг жалб қилиш;

иккинчидан, ички ишлар органлари тасарруфидаги корхоналарда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш;

учинчидан, пулли хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилган ички ишлар органларининг хизмат кўрсатиш доирасини янада кенгайтириш, даромадини ошириш;

тўртинчидан, ички ишлар органларининг бўш турган бино-иншоатлари ва бошқа мол-мулкларидан самарали фойдаланиш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида келтирилган чора-тадбирлар ички ишлар органларининг молия-хўжалик фаолиятини янада кенгайтиришга, уларнинг фуқаролик муомаласидаги иштирокини оширишга, таъсис ҳужжатларига мувофиқ уларнинг қўшимча даромад келтирадиган фаолият турларини яратишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.